

УСТОЗ, ДУСТ, АКА...

Ёрмат акам... Айнан, акам...

Яхши-ёмон кунларимда доим ёнимда бўлган, мени қўлаб-қувватлаб турган, ортимдан тош отувчилардан химоя қилган, қўлларидан келган барча ёрдамларини аямаган, ҳам устозлик, ҳам акалик, ҳам дўстлик қила олган акажоним...

Жойингиз жаишатларда бўлсин, илойим...

Сиз бир инсон сифатида жудаям шарафли ҳаёт кечирдингиз. Олим бўлиб, илмдан бошқасини билмай юрмадингиз. Аксинча, уйдаи, маҳалладаи, ишхонадаи—ҳамма жойда аввало, Одам бўлиб яшадингиз. Атрофдаги ҳеч кимга ва ҳеч нарсага бефарк бўлмадингиз. Бировга ака, бировга ука, бировга дўст бўлиб, холис маслаҳатлар ҳам бердингиз, қўлингиздан келганча ёрдамлашдингиз ҳам.

Биринчи дарсингизни ҳалигача жуда яхши эслайман.

Сиз баъзи домлаларимизга ўхшаб дарсларни зерикарли тарзда жиддий ўтмасдингиз. Жуда жонли мисоллар билан, ҳар биримизни баҳсга тортиб, ўрни келганда енгил ҳазиллашиб мавзуни тушунтирардингиз.

Айниқса, сўз туркумларини тушунтираётганингизда, доскага бир сўзни ёзиб, унинг қайси туркумга киришини савол қилиб, жавобларни бирма-бир эшитиб, кейин хулоса қилардингиз.

«Демак, шундай -а?» –деб тасдиқлатиб олганингиздан кейин, энди шу сўзнинг бошқа туркумга киришини исботлаб берардингиз.

Ҳайрон бўлиб турсак, яна: «Демак, шундай - а?»— дердингиз жиддий. «Ҳа, ҳа»,— деб тасдиқлаганимиздан кейин эса яна бошқатдан айнан шу сўзнинг аввал айтганингиз сўз туркумига киришини исботлаб берардингиз...

Сиз бизни фикрлашга ўргатдингиз. Ҳақиқатлиги аниқ кўриниб турган нарсаларга ҳам танкидий кўз билан қараб, илмий жиҳатдан синчковлик билан текширишга ўргатдингиз.

Ҳамма талабаларни ука, сингил деб қарардингиз. «Укам», «синглим» деб чақирганингизда, «вой афандилар-е» деб ҳазиллашганингизда ростдан ҳам Ака эдингиз.

Пахта теримига чиққанимизда бўлган бир воқеа ҳеч эсимдан чиқмайди.

Ошпаз кечки овқатни бузиб қўйди. Ҳамма оч қоладиган.

Шунда сиз ва бошқа домлаларимиз ҳам ўзларингизнинг бор-йўқ нарсаларингизни—ҳар хил балиқ консервалар, тушёнкалар, колбасаларни олиб чиқиб талабаларга таркатдингиз. Кетма-кет чой қайнаттириб ҳамманинг қорнини тўйгаздинглар. Ошпазга эса ухламай, эрталабгача ош тайёрлашни буюрдингиз... Эрталаб ош еяётганда талабалар бир-биримизга ҳазиллашиб: «Ҳар куни шунақа бўлса, яхши экан», деб роса кулишгандик.

Ошни еб бўлганимиздан кейин пахта теришга чиқаётганимизда айтган гапингиз ҳам бир умр эсимда қолган.

«Укажонлар, сингилжонлар, кечаси яхши ухламадингиз. Тагин эгат орасида ухлаб қолманглар, —деб ҳазиллашиб, кейин жиддийроқ оҳангда гапирдингиз, — энди, нима бўлса ҳам, пахта теришга келганмиз. Майли, бугун норма йўқ. Лекин куч етганича ҳаракат қилинглар, илтимос...

«Илтимос»...Буюрсангиз ҳам нима дея олардик...

Менимча, ўша куни ҳамма одатдагидан ҳам кўпроқ пахта терди...

Сизнинг Акалигингизни ҳамма талабалар ҳам сезиб, ҳис қилиб туришарди. Бошқа домлаларимизга айтолмайдиган ҳар қандай ташвишларимизни сиз билан бемалол маслаҳатлаша олардик. Ака сифатида ҳар биримизни тушуниб, чиройли маслаҳатлар берардингиз. Урни келганда, Ака бўлиб қойиб ҳам қўярдингиз...

Жонкуяр акажоним...

Олим сифатида ўзбек тилининг ҳақиқий фидойиси эдингиз. Тилимиздаги ҳеч бир муаммога бефарқ эмасдингиз.

Ҳатто, жой ва кўчалар номлари, йўллардаги ҳар хил эълонлар, бинолар пештокидаги лавҳалар ҳам эътиборингиздан четда қолмасди. Бизга ҳам шундай бўлишни, тилга оид ҳеч нарсага бефарқ бўлмасликни ўргатдингиз. Бир дарсда уйга вазифа қилиб йўллардаги эълонларни, кўча ва жой номларини ёзиб келишни топширдингиз. Келаси дарсда эса кўз қўриб ўрганиб қолган хатоларни тузатиш билан шуғулландик. Шундан бери қаерда юрсам ҳам кўчадаги деярли ҳамма ёзувларни қўзатиб, ҳаёлан тузатиб юришга одатландим. Менимча, фақат мен эмас, бошқа талабаларингиз ҳам шунга одатланиб қолишди.

«Бу тил менинг, сизнинг юзимиз, гуруримиз. Ундан фахрланишимиз керак. Шунинг учун ҳам тилнинг софлиги учун қўлдан келган ҳамма ишни қилишимиз шарт», деб қўп таъкидлардингиз.

Сиз шундай яшадингиз. Ўзбек тилининг софлиги, мусоффолиги учун қўлингиздан келганидан ҳам ортиқроқ ҳаракат қилиб, лоқайдларни қўзғатиб, қалбларда тилга меҳр-муҳаббат уйғотиб, ёниб, қуйиб, ёнолмаганларни, бефарқларни қуйдириб яшадингиз. Бефарқ бўлмаган ҳаммага тилимизнинг улуғлигини уқтириб, севиб, суйдириб яшадингиз...

Яшадингиз...

Айнан «яшадингиз».

Одамлар юздан ошиб ҳам бир йил «яшамаслик»лари мумкин. Буни ҳатто ўзлари ҳам сезмасликлари, «яшайпман» деб ўйлашлари жуда оддий ҳол бугун.

Аммо, сиз талабаларга— бизга ўргатганингиздек «яшаш» ҳаммага ҳам насиб қилавермас экан.

Бу ўғитингиз бутун умр ёдимдан чикмайди:

«Одам ҳайвондан фикрлаши билан фаркланади, дейишади. Аслида, ҳайвонлар ҳам озми-кўпми фикрлайди. Аммо, одам одамдек яшаши учун, ҳайвондан фаркланиши учун тилини, элини севishi, ўзининг тили, эли билан фахрланиши ва тилига, элига ҳеч қачон безътибор бўлмаслиги керак...»

Шаҳобиддин ОДИЛОВ,
филолог